



« 27 » март 2014 йил

Урганч ш.

№ 80к

Нусха № \_\_\_\_\_

**Юридик ва жисмоний шахслардан қаттиқ ва суяқ ҳолдаги маиший чикиндиларни олиб кетиш ва қабул қилиш билан боғлиқ хизматлар тарифи тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги, “Чикиндилар тўғрисида”ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги “Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 239-сон ва 2013 йил 10 январдаги “Республика аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4-сон қарорларига асосан, қаттиқ ва суяқ ҳолдаги маиший чикиндиларни фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига, агроф-мухитга зарарли таъсирини олдини олиш, чикиндилар ҳосил бўлишини камайтириш, Урганч шаҳар ҳудудини экологик ҳамда санитария ҳолатини, тозаллигини таъминлаш ва чикиндиларни олиб кетиш билан боғлиқ хизматлар тарифини белгилаш мақсадида,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. “Урганч махсус санитар транс” ишлаб чиқариш давлат корхонаси (кейинги ўринларда “Урганч махсус санитар транс” ИЧДК” деб юритиладиган)га Урганч шаҳридаги юридик ва жисмоний шахслардан қаттиқ ва суяқ ҳолдаги маиший чикиндиларни (кейинги ўринларда “Чикиндилар” деб юритилади) олиб кетиш ва қабул қилиш хизматлари учун тўлов миқдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. “Урганч махсус санитар транс” ИЧДК томонидан аҳолидан чикиндиларни тўплаб олиб кетганлиги учун тўловларни вақтида тўланишида маҳалла фуқаролар йиғини раислари ҳамда кўп квартиралы уйларда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари яқиндан амалий ёрдам кўрсатсинлар.
3. Урганч шаҳар ҳокимлиги (О.Сапаев) “Урганч махсус санитар транс” ИЧДК томонидан юридик ва жисмоний шахслар билан белгиланган тартибда чикиндиларни олиб кетишда аҳолини ҳаётига, соғлиғига ва агроф-мухитга,

2.

истеъмолчиларнинг шахсий мулкига зарар олиб келмайдиган ҳолда ва санитария конун ҳужжатларига, санитария нормаларига, қоидаларига риоя этилишини таъминласин;

чиқиндиларни олиб кетишда коммунал хизмати тўлови миқдорларининг тўлиқ ундирилиши ва маблағларнинг мақсадли фойдаланиши устидан назоратни кучайтирсин.

4. Мазкур қарор "Хоразм" телерадиокомпанияси, "Хоразм ҳақиқати" ва "Хорезмская правда" газеталари бирлашган тахририяти ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг веб-сайтида жойлаштирилсин.

5. Ушбу қарор қабул қилиниши билан вилоят ҳокимининг 2013 йил 27 апрелдаги 87к-сон қарори ўз кучини йўқотган ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Р.Рўзметов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



П.Бобожонов



Хоразм вилояти ҳокимининг  
2014 йил "27" мартдаги  
80к-сон қарорига  
илова

"Урганч маҳсус санитар транс" ишлаб чиқариш давлат корхонаси томонидан Урганч шаҳридаги юридик ва жисмоний шахслардан қаттиқ ва суяқ ҳолдаги манший чиқиндиларни тўplash ва олиб кетиш, марказий чиқиндиҳона объекти (свалка)га жойлаштириш хизматлари учун тўлов миқдорлари

№	Кўрсатиладиган хизматлар тури	Ўлчов бирлиги	Белгиланган нарх миқдори (қўшилган қиймат солиқсиз, сўм)
1	Аҳолидан қаттиқ манший чиқиндиларни олиб кетиш учун	аҳоли жон бошига	1500
2	Юридик шахслардан қаттиқ ҳолдаги чиқиндиларни тўplash ва олиб кетиш хизматлари	1 (бир) м3	23460
3	Суяқ ҳолдаги чиқиндиларни олиб кетиш хизматлари	1 (бир) м3	23460
4	Ўз техникаси билан марказий чиқинди сақлаш жойига қаттиқ манший чиқиндини олиб бориш.	1 (бир) м3.	2835

Изоҳ: Хизмат тўловлари нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан конунларда белгиланган тартибда амалга оширилади.